УЎК: 612.359/661.974

ИС ГАЗИ ИНТОКСИКАЦИЯСИ ТАЪСИРИДА 9 ОЙЛИК ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШЛАР ЖИГАРИДА Ki-67 ПРОЛИФЕРАЦИЯ МАРКЕРИНИНГ ЭКСПРЕССИЯЛАНИШИ

Турдиев Тўймурод Ўткир ўғли
Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Долзарблиги. Ис гази (CO) организмга нафас йўллари орқали тушиб, гемоглобин билан бирикиши натижасида карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Бу жараён тўқималарга кислород етказиб берилишини чеклаб, гипоксик шикастланиш ривожланишига сабаб бўлади. Жигар метаболик жараёнларда фаол иштирок этувчи аъзо сифатида кислород етишмовчилиги таъсирида турли структур ва функционал ўзгаришларга учраши мумкин. Жигар тўқимасининг шикастланишига жавобан регенератив механизмлар фаоллашади. Ушбу жараёнларни баҳолашда Ki-67 иммуногистокимёвий маркеридан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, 9 ойлик каламушларда ис гази таъсиридан кейинги пролифератив жавобни ўрганиш жигар тўқимасининг регенератив хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот мақсади. Ис гази интоксикацияси таъсирида 9 ойлик оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида Ki-67 маркерининг экспрессияланиш даражасини аниқлаш ҳамда ҳужайраларнинг пролифератив фаоллигини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқот материали сифатида 9 ойлик оқ зотсиз каламушларнинг жигар тўқимаси олинди. Ҳайвонлар назорат ва тажриба гуруҳларига ажратилган ҳолда ўрганилди. Жигар тўқимасидан гистологик препаратлар тайёрланиб, Ki-67 маркерининг экспрессиясини аниқлаш учун иммуногистокимёвий текширув ўтказилди. Иммуногистокимёвий бўяшда DAB хромоген усулидан фойдаланилди. Ki-67 мусбат ҳужайралар ядроларида жигарранг-қизғиш рангли реакция қайд этилиши асосида экспрессия баҳоланди. Препаратларни микроскопик таҳлил қилиш ва мусбат ҳужайралар улушини аниқлашда рақамли тасвирларни таҳлил қилиш усулидан фойдаланилди.

Натижалар. Иммуногистокимёвий текширувларда назорат гуруҳидаги 9 ойлик оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида Ki-67 маркерининг экспрессияси физиологик пролифератив фаолликни акс эттириши аниқланди. Ис гази интоксикациясидан кейин жигар тўқимасида Ki-67 маркерининг экспрессияланиш кўрсаткичларида ўзгаришлар кузатилди. Мазкур ўзгаришлар гипоксик шикастланиш натижасида ҳужайраларнинг пролифератив жавоби ва компенсатор-регенератив механизмларининг қайта ташкил топиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ki-67 маркерининг экспрессияси жигар ҳужайраларининг пролифератив ҳолатини баҳолаш имконини беради. Бироқ унинг юқори ёки паст даражада намоён бўлиши регенерация самарадорлигини тўлиқ ифодаламайди. Шу сабабли ушбу кўрсаткичларни морфологик ўзгаришлар билан биргаликда таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Ис гази интоксикацияси 9 ойлик оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида ҳужайраларнинг пролифератив фаоллигига таъсир кўрсатади. Ki-67 иммуногистокимёвий маркери ушбу жараёнларни аниқлаш ва баҳолашда муҳим усул ҳисобланади. Олинган маълумотлар ис гази таъсирида жигар тўқимасининг регенератив жавоб механизмларини ўрганишда илмий аҳамиятга эга.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.